

РЕАЛИЗАЦИЯ ТРЕТЬЕЙ ЦЕЛИ ООН УСТОЙЧИВОМУ РАЗВИТИЮ В УЗБЕКИСТАНЕ

ЎЗБЕКИСТОНДА БМТнинг БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ БЎЙИЧА
УЧИНЧИ МАҚСАДИНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

IMPLEMENTATION OF THE THIRD UN SUSTAINABLE
DEVELOPMENT GOAL IN UZBEKISTAN

Ачилов Жамол Алишерович

ВМнинг Назорат ва ижро интизоми бўлим бошлиғи.

Мустақил тадқиқотчи

Аннотация: автор статьи на основе анализа соответствующих источников рассматривает вопросы реализации третьей цели ООН по устойчивому развитию в Республике Узбекистан, включающему хорошее здоровье и благополучие с позиции обеспечения прав человека.

Ключевые слова: Хорошее здоровье, благополучие, права человека, Республика Узбекистан, Стратегия “Узбекистан-2030” и её цели, ВБ, США, уровень бедности, коэффициент смертности матерей при родах, средняя продолжительность жизни, экономика.

Аннотация: муаллиф тегишли манбаларни таҳлил қилиши асосида БМТнинг барқарор ривожланиши бўйича Саломатлик ва фаровонликни ўз ичига олувчи Учинчи мақсадни Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини таъминлаш нуқтаи назари асосида мазкур мақсадни нақадар даражада амалга оширилишини кўриб чиққан.

Калитли сўзлар: Сихат-саломатлик, фаровонлик, инсон ҳуқуқлари, Ўзбекистон Республикаси, “Ўзбекистон-2030” Стратегияси ва унинг мақсадлари, Жаҳон банки, АҚШ, камбағаллик даражаси, янги туғилган чақалоқларга нисбатан оналар ўлими коэффициенти, ўртача умр кўриш давомийлиги, иқтисодиёт.

Anotation: the author of the article, based on the analysis of relevant sources, examines the issues of implementing the third UN goal on sustainable development in the Republic of Uzbekistan, which includes good health and well-being from the perspective of ensuring human rights.

Key words: Good health, well-being, human rights, the Republic of Uzbekistan, the Strategy "Uzbekistan-2030" and its goals, the World Bank, the USA, poverty level, maternal mortality rate at childbirth, average life expectancy, economy.

Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий мақсади халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратишдир. Давлатнинг расмий мажбуриятларига – мухтожларни уй-жой билан ва турмуш кечириш учун зарур бўлган энг кам иш ҳақи миқдорини таъминлаш, кафолатланган тиббий ёрдам ва таълим, ногиронларни қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва бошқалар киради. 2022 йил "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" деб эълон қилинган, 2023 йил эса "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" сифатида номланиб, тегишли давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Аҳоли фаровонлигини ошириш соҳасидаги эришилган натижалар ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар – камбағалликни қисқартириш (1-мақсад), овқатланиш рационини яхшилаш (2-мақсад), соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш (3-мақсад), умумқамровли сифатли таълимни таъминлаш (4-мақсад), хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш (5-мақсад), эркаклар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш (8-мақсад) ва ижтимоий тенгсизликни қисқартириш (10-мақсад) дан иборат.

Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда инсон шаъни ва қадр-қимматини таъминлаш борасидаги асосий ютуқлари: – 2021 йил август ойида Вазирлар Маҳкамасининг “Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида” ги қарори [1] қабул қилинган бўлиб, у камбағаллик чегарасини аниқлаш кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Миллий статистика маълумотларига кўра, ушбу кўрсаткичнинг амалга оширилиши камбағаллик чегарасидан паст бўлган аҳоли улушини 2020 йилдаги 11,5 фоиздан 2021 йилда 17 фоизга етказди. Бу аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламларини нафақалар билан қамраб олиш даражаси ошганидан далолат беради. Камбағалликнинг чегарасидан пастда яшаш бўйича янги ўрнатилган халқаро меъёр 2017 йилдаги нархлар асосида кунига 2,15 долларни ташкил қилди. Бу демакки, ҳар қандай одам, агарда у кунига 2,15 доллардан камроқ пул сарфлайдиган бўлса, у ўта кетган қашшоқликда яшаётган деб тушунилади. 2019 йили бундай ҳолатда жаҳон бўйича тахминан 648 миллион нафар одам яшаётганлиги аниқланди [2].

Мисол учун, Ўзбекистонда энг сўнгги даврда (2022-2023) энг камбағал 10% ташкил қилувчи шахсларнинг даромадлари 6% га ўсди. Бироқ, энг бой 10% ташкил қилувчи қатламнинг шахслари ўз даромадлари 30% дан ошганини кўрди. Даромадлар тенгсизлигининг ўлчови бўлган Жини коэффиценти 2022 йилда 0,31 дан 2023 йилда 0,35 гача кўтарилди. Агар тенгсизлик ортиб кетмаса, қашшоқлик даражаси 5,5 фоиз пунктга тушиши мумкин эди, бу давр учун бу кўрсаткич 3,1 п.п.га пасайди [3]. Шунга кўра, 2022 йили Ўзбекистон

камбағалликнинг халқаро рейтингида аттиги 17,30% тўплаб, 190 мамлакат ичида 67 ўринни эгаллаган [4].

Шу билан бирга, Ўзбекистон 2019–2022 йилларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича энг юқори натижага эришган 10 та давлат орасида биринчи ўринни эгаллади. Полиз экинлари, картошка, сабзавот, узум, мева, резаворлар ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш сезиларли даражада ошди.

Ер муносабатлари соҳасида ҳам салмоқли ишлар бошлаб юборилди. Шу жумладан, 100 минг гектар экин майдонлари 400 минг нафар деҳқонлар ихтиёрига топширилди ва бу ўз ўрнида эса қўшимча 1,5 миллион тонна озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳамда 100 минг нафар қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Болалар ва гўдаклар ўлими сезиларли даражада пасайди (2017–2021 йилларда болалар ўлими ҳар 1000 та тирик туғилган чақалоқ нисбатига 15,4 дан 12,3 гача, гўдаклар ўлими эса (чегара қиймати 10 бўлган ҳолатда) ҳар 1000 нафар туғилган чақалоққа 11,5 дан 9,2 коэффициентгача пасайди. Сўнгги йилларда кузатилаётган соғлиқни сақлашни соҳасини молиялаштиришнинг барқарор ўсиши кузатилмоқда. Шу билан бирга оналар ўлими 2023 йили 2022 йилга қараганда сезиларли ҳолда ошган ва бу кўрсаткич тегишли ва зарурий чораларни қабул қилинишини тақозо қилмоқда.

Аҳоли саломатлиги учун 2017 йилда 7,1 трлн. сўм, 2019 йилда 12,1 трлн. сўм ва 2021 йилда эса 19,4 трлн. сўм ажратилди. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда ҳам сезиларли даражада янгиланди.

Ўзбекистонда таълим ва тарбия барқарор ривожланиш гарови деб эълон қилинган. Фақат 2019–2022 йилларнинг ўзида болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 46,6 фоиздан 70,0 фоизгача оширилди ва мазкур ислохотлар ЮНЕСКО ташкилоти томонидан юқори баҳоланди. Сўнгги йилларда олий ўқув юртлари сони 108 тадан 199 тага етди ва ўз ўрнида олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 38 фоизга кўтарилди. Барча бўғинларда таълим тизимининг сифатини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилаётган ёшларга оид сиёсат устувор йўналиш бўлиб, уни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг ҳуқуқий, институционал ва иқтисодий механизмлари биринчи навбатда бандлик ва таълим соҳаларида қабул қилинди ва амалга оширилди (2021 йилда 35 ёшгача бўлган ёшлар сони мамлакатимиз аҳолисининг 55,0 фоизини ташкил этган);

Аҳолининг, жумладан, кам таъминланган фуқароларни уй-жой билан таъминлаш имкониятларини яхшилашда катта силжишлар рўй берди. 2017–2022

йиллар мобайнида мамлакатимизда намунавий лойиҳа бўйича 300 минг хонадон ва яқка тартибдаги уй-жойлар қуриб, фойдаланишга топширилди ва бу кўрсаткич мустақилликнинг ўтган йилларига нисбатан 10 баробар кўпдир. Шу билан бирга, сўнгги 3 йилда ипотека кредитлари асосида аҳолини уй-жой билан таъминлаш чора-тадбирлари натижасижа мазкур кўрсаткич ортиб бормоқда.

Қуйида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган барқарор ривожланишнинг учинчи мақсади келтирилган.

3-мақсад. Соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва барча

ёшдаги кишиларнинг фаровонлигига кўмаклашиш.

Сўнгги йилларда аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича белгиланган мақсадларга эришишда ижобий тенденциялар кузатилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда 2030 йилгача бўлган даврда оналар ўлимини учдан бир бараварга қисқартириш мақсадида қуйидаги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди:

– «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (11.03.2019 й.)

– «Репродуктив ёшдаги аёллар, хомиладорлар болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги Қарори.

– «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги Қарори.

– «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июлдаги Қарори.

– «2022–2026 йилларда оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги Қарорларини келтириш мақсадга мувофиқдир.

2030 йилгача бўлган даврда янги туғилган чақалоқлар ва беш ёшгача бўлган болалар ўлимини икки бараварга қисқартириш вазифасига эришиш учун меъёрий ҳуқуқий базани таъминлаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар қабул қилинди:

«Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида»ги 2019 йил 23 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

«Ноёб ва бошқа ирсий касалликларга чалинган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 7 сентябридаги Фармони имзоланди.

Мамлакатда болалар ва чақалоқлар ўлимининг сезиларли қисқариши кузатилмоқда. Жумладан, 2017–2021 йилларда ҳар 1 000 нафар янги туғилганларга тўғри келувчи чақалоқлар ўлими сони 15,4 нафардан 12,3 нафаргача, болалар ўлими 11,5 нафардан 9,2 нафаргача қисқарди.

Шунга қарамасдан, COVID-19 пандемияси даврида Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган шифокорлар сонининг қисқариши, тиббий хизматлардан фойдаланишдаги тенгсизлик, айрим жойларда кўрсатиладиган хизматлар сифати етарли даражада эмаслиги ҳамда инфекция касалликларнинг олдини олиш ва назорат қилишнинг қониқарли эмаслиги каби соғлиқни сақлаш тизимидаги асосий камчиликлар аниқланди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳукумати малакали тиббиёт ходимлари, арзон дори воситалари ва янгиланган инфратузилмадан кенг фойдаланишини

таъминлашга қаратилган соғлиқни сақлаш соҳасида миллий қонунчиликни ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли дастурни амалга оширмоқда.

2030 йилгача бўлган даврда аҳоли ўртасида сил ва ОИТС билан касалланишни камайтириш, гепатит, сув орқали юқадиган касалликлар ва бошқа юқумли касалликларга қарши курашни таъминлаш назарда тутилган.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон ҳукуматининг 2030 йилгача бўлган даврда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича тизимли стратегияси ва йўл харитаси ишлаб чиқилган бўлиб, халқаро донорлар, хусусан, UNICEF келажакда эмлаш дастурининг мустаҳкамланиши ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган соғлиқни сақлаш тизимининг барча таркибий қисмлари ҳисобга олиншини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаган.

2020 йил 10 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Саломатликни мустаҳкамлаш ва соғлом овқатланишни яхшилаш тўғрисида"

“Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ги Фармони қабул қилиниб, унга мувофиқ 2022 йил 1 январдан бошлаб 0-5 ёшгача бўлган болаларнинг ривожланиши учун универсал прогрессив патронаж модели амалга оширила бошланди. Ҳар йили 4 млн дан ортиқ болаларга, уларнинг уйларига ташриф буюрган ҳолда соғлиқни сақлаш хизматлари кўрсатилади.

Мамлакат бўйлаб 50 мингдан ортиқ ҳомийлик ҳамширалари ҳомиладор аёллар, тарбиячилар ва беш ёшгача бўлган болаларни бирламчи соғлиқни сақлаш

даражасида парвариш қилишни яхшилаш (аҳолини эмлаш, турғукдан олдинги парваришлар ва касалликларни даволаш) устида иш олиб бормоқда.

Таҳлиллар натижасида, сўнгги 20 йил ичида Ўзбекистонда мунтазам эмлашлар қамрови анъанавий равишда мамлакат аҳолисининг 95 фоизини қамраб олган.

Бироқ COVID-19 пандемияси эмлаш дастурига ва умуман соғлиқни сақлаш тизимига кучли таъсир кўрсатди. Соҳани ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2019 йил 13 февralида «Ихтисослаштирилган фтизиологик ва пульмонологик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори қабул қилинди.

2021 йилда янги ташхис қўйилган сил касаллиги даражаси ҳар 100 минг аҳолига 34,8 кишини ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан

12,1% га камайган ва натижада 0 - 14 ёшдаги болалар орасида турли касалликларга чалиниш даражаси 2021 йилда – 17,4%, 15-17 ёшдаги болаларда 22,2% га сезиларли даражада пасайди.

Шунингдек, 2021 йилда сил касаллигининг дори-дармонларга чидамли тури ҳар 100 минг аҳолига 6,7 кишини ташкил этган бўлиб, 2015 йилга нисбатан 43,7 % га пасайган.

Фтизиатрия муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар доирасида сил касаллигини даволаш муассасаларини энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун 2019–2021 йиллар давомида 12 млн АҚШ доллари ажратилди ҳамда тегишли профилактика ва даволаш тизими қамровини ошириш мақсадида Наманган вилоятида 2-ҳудудий фтизиатрия шифохонаси ташкил этилди.

Ҳозирги устувор вазифалардан бири – кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини таъминлашдир. Республикада барқарор санитария-эпидемиологик вазиятни таъминлаш чораларини кучайтириш мақсадида ихтисослаштирилган фтизиологик ва пульмонологик ёрдамни янада такомиллаштириш, шунингдек, ишлаб чиқилган барча чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш зарур. "Аҳолини сил касаллигидан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш лозим.

2030 йилгача бўлган даврда аҳоли орасида юрак-қон томир, онкологик касалликлар, қандли диабет ва сурункали респиратор касалликлари натижасида эрта ўлимни 30 фоизга камайтириш режалаштирилган бўлиб, ушбу вазифани амалга ошириш учун бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган:

Шу жумладан:

– 2011 йил 26 августдаги Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини тарқатиш ва улардан фойдаланишни чеклаш тўғрисида»ги Қонуни;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллабқувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг жорий этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

– Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 майдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги "Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

2010–2021 йилларда аҳоли орасида учрайдиган наркологик касалликлар қуйидаги тенденцияга кўра, ҳар 100 минг кишига тўғри келадиган: гиёҳвандлик 7,6% дан 3,0% га камайган, аммо алкоголизм 18,9% дан 21,7% га ва гиёҳванд моддаларини истеъмол қилиш 0,1% дан 0,2% ортган.

Бунинг натижасида, аҳоли орасида наркологик касалликлар билан касалланишнинг кўпайишини аниқланишнинг яхшиланганлигини ва аҳолининг наркологик ёрдам кўрсатиш тизими орқали мурожаат қилиш кўрсаткичи ошганлигини кўриш мумкин.

Транспортдаги хавфсизлик масалалари бўйича қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди:

– 2021 йил 9 августдаги "Транспорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

– 2018–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлиги концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича йўл харитаси;

– "Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасига хусусий секторни жалб қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори;

– "Жамоат хавфсизлиги соҳасида профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.

Сўнгги йилларда кузатилаётган йўл транспорт ҳодисалари (ЙТХ), шу жумладан ҳалокатли ЙТХлар сонини камайтириш тенденциясига мувофиқ 2021 йилда ЙТХ натижасида ўлим даражаси 6,9% га камайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, дунё мамлакатлари ичида Ўзбекистон ЙТХ оқибатидаги ўлимлар сонининг энг паст кўрсаткичига эга.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини таъминлаш мақсадларига эришиш соҳасида чора-тадбирлар амалга оширилди:

– 2019 йил 11 мартда "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни;

– 2019 йил 8 ноябрда "Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори;

– 2021 йил 25 майда "Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди.

2030 йилгача бўлган даврда репродуктив ёшдаги (15–49 ёш) аёлларни замонавий контрацептивлар билан қамраб олишни ("контрацептивларнинг тарқалиши") 85% гача (2021 йилда 49,6%га) оширишни мақсадли кўрсаткич сифатида қабул қилинган.

Оилаларнинг тиббий ёрдамга сарф-харажатларида силжишлар мавжуд. Мисол учун, 2015–2021 йилларда уй хўжаликларининг умумий харажатлари таркибида тиббий ёрдам харажатлари ўртача 10% ни ташкил этадиган оилалар

сони 2021 йилга келиб бу кўрсаткичнинг 23,8% гача ўсиши кузатилди.

Атмосфера ҳавоси манбаларидан ифлосланувчи экомониторинг қилинадиган объектлар сони 2019 йилда 264 тадан 2021 йилга келиб 294 тага, ер усти сув ҳавзалари 171 тадан 207 тага ҳамда ер-тупроқ объектлари мос равишда 123 тадан 127 тагача ошди.

Сўнгги йилларда соғлиқни сақлашни молиялаштириш ҳажми 2017 йилда 7,1 трлн. сўмдан, 2019 йилда 12,1 трлн. сўмга, 2021 йилда эса 19,4 трлн. сўмга ортган.

Ҳар 10 минг аҳолига тўғри келадиган барча мутахассислик бўйича шифокорлар сони 2015 йилдаги 26,8 кишидан 2021 йилда 27,1 гача ошди, ҳар 10 минг аҳолига тўғри келадиган ўрта тиббий ходимлар сони мос равишда 107,4 дан 105,6 гача камайди.

Кейинги қадамлар ва чора-тадбирлар:

– соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланишни тарғиб қилиш;

– аҳоли орасида сил ва ОИТСнинг олдини олишга қаратилган, гепатит, сув билан юқадиган касалликлар ва бошқа юқумли касалликларга қарши курашиш,

шунингдек, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тўғри овқатланишни тушунтириш ишларини олиб боришда тегишли давлат органлари ва оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш;

– ҳомиладор аёллар ва болаларга ихтисослаштирилган юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш учун муассасаларнинг, шунингдек, республика ва вилоятлардаги акушерлик ва педиатрия муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва янги биноларни қуриш;

– ўзига хос бўлмаган сил ва ўпка касалликларининг олдини олиш мақсадида ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, сил касаллиги муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш.

Қабул қилинган чора-тадбирлар самарадорлиги оналар ўлими даражасининг пасайиши ва 2023 йили эса кескин кўтарилиши акс этмоқда (1-жадвал). Шу билан бирга, малакали тиббиёт ходимлари томонидан қабул қилинган туғилиш нисбати кўрсаткичи юқори даражада (100%) сақланиб қолмоқда.

1-сон Жадвал. Ҳар 100 минг янги туғилган чақалоқларга нисбатан оналар ўлими коэффиценти [5]

Йиллар	2000	2005	2010	2015	2020	2021	2022	2023
Ўлим коэффиценти	33,1	29,2	21,0	18,9	18,5	14,4	13,9	15,9

Тошкент шаҳрида 2021 июнь ойида Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳафталиги бўлиб ўтган эди. Ҳафталик доирасида Олий Мажлис палаталари кўмиталари томонидан барқарор ривожланиш соҳасидаги барча миллий мақсадлар бўйича туркум давра суҳбатлари ўтказилади. Ушбу тадбирларда маҳаллий ҳамда хорижлик экспертлар маъруза, таклиф ва тавсиялар билан иштирок этди.

Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари кўмитаси томонидан «Соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва барча ёшдаги кишиларнинг фаровонлигига кўмаклашиш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди [6].

Унда иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари, эксперт ва мутахассислар мулоқот мавзусидан келиб чиқиб, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини таъминлаш, инсон омили ва унинг соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилаётган давлат даражасидаги юксак эътиборни юқори баҳоладилар.

Президентимиз ”мамлакатимизда тинчлик ва соғлиқни таъминлашга эришсак, қолган ҳамма нарсага эришамиз”, деган фикрларини доимо такрорлайдилар[7].

Қайд этилганидек, барқарор ривожланиш соҳасидаги 3-мақсад сифатида «Соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва барча ёшдаги кишиларнинг фаровонлигига кўмаклашиш» белгиланган. Ушбу мақсадининг ўзи 10 та долзарб йўналишни қамраб олган. Хусусан 2030 йилга бориб оналар ўлими кўрсаткичини учдан бир бараварга тушириш, янги туғилган чақалоқ ва беш ёшгача бўлган гўдакларнинг нобуд бўлишини икки баробарга камайтириш, вирусли гепатит ва бир қатор бошқа касалликларни бартараф этиш устувор вазифалар сирасига киради.

Давра суҳбатида мавзуга оид масалаларда хориж тажрибалари ва эришилган ютуқлар ҳақида батафсил ахборотлар эшитилди. Тадбирда Ўзбекистонда оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига кўпроқ урғу берилди.

Таъкидланганидек, ўтган икки йил давомида соҳага оид 5 та норматив ҳужжат қабул қилинди ҳамда ижроси назоратга олинди. Бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида аёлларнинг умумий сони 16,8 миллион нафардан ортиқ бўлиб, улардан туғиш ёшидагилари 8,9 миллион нафарни умумий аҳоли сонининг 26,9 фоизини ташкил қилади. Уларга 227 та туғруқ муассасалари томонидан тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Шунингдек, гўдаклар орасида ногиронликни эрта аниқлаш, уларнинг олдини олиш, фертил ёшдаги аёллар ва қизлар саломатлигини яхшилаш мақсадида Республика, вилоят миқёсида неонатал хирургия, болалар кардиожарроҳлик, қизлар гинекологияси ҳамда каминвазив (лапароскопик) гинекология ҳамда Болалар миллий тиббиёт маркази бўлимлари ташкил этилди. Биргина мисол, 2016 йилда 300 нафар болаларда кардиожарроҳлик амалиёти ўтказилган бўлса, 2020 йил якунида ушбу кўрсаткич 2 800 нафарни ташкил этди. Бу эса, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Ўзбекистон — 2030» Стратегияси тўғрисида»ги 11 сентябр 2023 йилдаги №ПФ-158 Фармонида Аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича ислоҳотлар режалаштирилган бўлиб, у қуйидаги 9-та мақсадлардан ташкил топган:

13-мақсад. Аҳолининг ўртача умр давомийлигини ошириш. Мазкур мақсадга етишиш учун: ўртача умр кўриш давомийлигини 78 ёшга етказиш;

тиббиётга йўналтириладиган маблағлар ҳажмини 2 баробарга ошириш; онкология, юрак-қон томир, диабет ва нафас йўллари касалликлари бўйича эрта ўлимни 2,5 баробар камайтириш; сил касаллиги билан касалланиш

даражасини 100 минг аҳолига нисбатан ҳозирги 34 нафардан кескин камайтириш чоралари режалаштирилган;

14-мақсад. Аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш. Ушбу мақсадга етишиш учун: 350 минг нафар диабет ва 1,5 миллион юрак-қон томир касаллиги бор беморларни даволаш билан тўлиқ қамраб олиш; тиббий ёрдамга муҳтож аҳолининг 70 фоиз мурожаатларини бирламчи бўғиннинг ўзида ҳал этишга эришиш; Республикада гемодиализ ўрин жойлари билан беморларни тўлиқ қамраб олиш чоралари режалаштирилган;

15-мақсад. Болалар ўртасидаги ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволаш самарадорлигини ошириш. Ушбу мақсадга эришиш учун: болалар ўртасидаги ирсий касалликларни 2 баробарга қисқартириш; чақалоқларда ирсий касалликлар бўйича селектив скрининг текширувлар қамровини камида 50 фоизга ошириш чоралари режалаштирилган;

16-мақсад. Оналар ва болалар ўлимини қисқартириш, соғлом болаликни таъминлаш. Мазкур мақсадга эришиш учун: ҳомиладорлик аниқланган вақтдан бошлаб туғуруқдан сўнг 42 кун ичида аёллар, гўдаклар ва беш ёшгача болалар орасидаги ўлимни 2 баробарга камайтириш; туғуруқ ўринлари сонини 35 фоизга ошириш; 6 — 23 ойлик болаларни микронутриент кукуни, 2 — 10 ёшдаги болаларни гельминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар, 3 — 15 ёшдаги болаларни йод препарати, 15 — 35 ёшдаги хотин-қизларни поливитамин, темир ва фолий кислотаси билан бепул таъминлаш; болалар орасидаги юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни 20 фоизга қисқартириш чоралари режалаштирилган;

17-мақсад. Онкологик касалликларни эрта аниқлаш ва ўлим кўрсаткичини камайтириш. Ушбу мақсадга эришиш учун: 30 — 69 ёшдаги аҳоли орасида онкологик касалликларни профилактик кўрикларда, эрта босқичларида аниқлаб, 5 йиллик умр давомийлиги кўрсаткичларини 2 баробар ошириш, 1 йилгача ўлим кўрсаткичини 2 баробар камайтириш; 120 минг нафар онкологияси бор беморларни даволаш билан тўлиқ қамраб олиншини таъминлаш чоралари режалаштирилган;

18-мақсад. Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш. Мазкур мақсадга эришиш учун: юқумли бўлмаган касалликларни эрта аниқлаш даражасини 70 фоизга етказиш; катта ёшдаги (40 ёш ва ундан юқори) аҳоли орасида қандли диабет ва артериал гипертония касалликларининг эрта босқичида аниқлаш кўрсаткичини 2 баробарга ошириш; 30 — 69 ёшдаги аҳоли орасида ҳар 100 минг аҳолига нисбатан юрак-қон-томир, қандли диабет, сурункали респиратор касалликларидан ўлимни 30 фоизга камайтириш чоралари режалаштирилган;

19-мақсад. Соғлом ва фаол кексаликни таъминлаш. Ушбу мақсадга эришиш учун: ҳар йили 55 ва ундан катта ёшдаги аҳолини 100 фоиз тиббий профилактик кўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш; катта ёшдаги (40 ёш ва ундан юқори) аҳоли орасида жисмоний фаол аҳоли улушини 2 баробар ошириш чоралари режалаштирилган;

20-мақсад. Аҳоли орасида тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Мазкур мақсадга эришиш учун: меъеридан ортиқ туз истеъмол қиладиган аҳоли улушини 32 фоизга, етарлича жисмоний фаолликка эга бўлмаган аҳолини 22 фоизга, ортиқча вазнга ва семизликка эга катта ёшдаги аҳолини тегишинча 32 фоиз ва 23 фоизга қадар камайтириш; 5 ёшгача болалар орасида бўй ўсиши кечикиши мавжуд бўлганлар, вазн оғирлиги етишмаслиги мавжудлар ва ортиқча вазни мавжуд улушини ўртача 2 баробарга камайтириш; таълим ва тиббиёт муассасаларига таркибида трансёғ, туз ва шакар миқдори кўп бўлган маҳсулотларни олиб кириш, тайёрлаш, сотилишини 100 фоиз чеклаш чоралари режалаштирилган;

21-мақсад. Тиббиёт соҳасида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш. Бунинг учун тиббиёт муассасаларини рақамлаштиришни 100 фоизга етказиш режалаштирилган [8].

Стратегия-2030да барча ёшдаги кишиларнинг фаровонлигини ошириш белгиланиб қолмай, унга қандай эришиш масаласи ҳам ўз ифодасини топган, яъни барқарор иқтисодий ўсиш орқали фаровонликни таъминлаш йўналиши белгиланган ва унга эришида 16-та мақсад қайд этилган ва улар қуйидагилардан иборат:

45-мақсад: 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш;

46-мақсад: фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш;

47-мақсад: маҳаллий хомашё базасидан самарали фойдаланиш ва илғор технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш;

48-мақсад: саноатнинг «драйвер» соҳаларини ривожлантириш ва ҳудудларнинг саноат салоҳиятини тўлиқ ишга солиш;

49-мақсад: мамлакатимизнинг инвестициявий жозибadorлигини янада ошириш ва қимматли қоғозлар бозорини жадал ривожлантириш. Мазкур йўналишда Ўзбекистонда 1 млрд. долларлик сармоёга эга бўлган Миллий инвестициявий Жамғармани ташкил этиш ва унга бошқарувчи сифатида АҚШдаги Franklin Templeton компаниясини тайинлаш тўғрисидаги миш-мишлар тарқалиб кетганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий инвестиция Жамғармасини

ташқил этиш тўғрисида”ги 2024 йил 27 августда №ПҚ-303-сонли Қарори қабул қилинди. Аммо Franklin Templeton компанияси мазкур қарорда кўрсатилгани йўқ, лекин мазкур Жамғармани Лондон фонд биржаларида жойлаштириш талаби киритилган. Шунга қарамасдан, Franklin Templeton компанияси бўлажак ташқил топаётган Жамғармада йиғиладиган давлат активларининг самарадорлигини оширишда бошқарув амалиётини йўлга қўяди. Мазкур компания 1947 йилда АҚШда ташқил топган бўлиб, унинг бундай фаолияти катта тажрибага эга бўлиб, охириги йиллари у Украинанинг иқтисодиётига ёрдам беришда ҳам фаол қатнашган [9];

50-мақсад. Банк тизимида ислохотларни жадаллаштириш, банк хизматлари бозори ҳажмини ошириш ва соҳада рақобатни ривожлантириш;

51-мақсад. «Яшил иқтисодиёт»га ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин ошириш;

52-мақсад. Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини зарур энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш;

53-мақсад. Ўзбекистон Республикасининг глобал транспорт-логистика тармоқларига интеграциясини чуқурлаштириш ва миллий транспорт тизимининг салоҳиятини ошириш;

54-мақсад. Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш;

55-мақсад. Миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш ва унинг таркибида қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар улушини кескин ошириш;

56-мақсад. Монопол соҳаларни бозор тамойилларига изчил ўтказиш, иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш, тадбиркорларга эркин фаолият юритиши учун энг қулай шароитлар яратиш;

57-мақсад. Рақамли технологияларни ривожлантирган ҳолда мамлакатни минтақавий «IT-HUB»га айлантириш;

58-мақсад. Ўзбекистонда ташқи ва ички туризмни ривожлантириш учун кенг шароитлар яратиш орқали сайёҳлар сонини ошириш;

59-мақсад. Худудларда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш;

60-мақсад. Худудларни комплекс ривожлантириш, урбанизация стратегиясини амалга ошириш, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш даражасини ошириш;

61-мақсад. Инфратузилма лойиҳаларини барқарор ва узок муддатли молиялаштириш манбалари билан таъминлаш [8].

Ўйлаймизки, мазкур мақсадларни руёбга чиқиши БМТнинг барқарор ривожланиш соҳасидаги «Соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва барча ёшдаги

кишиларнинг фаровонлигига кўмаклашиш», деб белгиланган 3-мақсади Ўзбекистонда амалга оширилишига ишонамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 27 августдаги №544-сон Қарори// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/544/0829-сон.

[2] https://www.worldbank.org/en/news/factsheet/2022/05/02/fact-sheet-an-adjustment-to-global-poverty-lines?_gl=1*y3l759*_gcl_au*NzU3MjY5MDcyLjE3MjQ5MjM2NDg.#2

[3] <https://blogs.worldbank.org/en/opendata/charting-uzbekistan-s-path-to-poverty-reduction--insights-from-i>

[4] Узбекистан на пути к искоренению бедности: выводы международных сопоставлений//<https://blogs.worldbank.org/ru/opendata/charting-uzbekistan-s-path-to-poverty-reduction--insights-from-i>

[5] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг маълумотлари

[6] Соғлом турмуш тарзи масаласи муҳокама қилинди//<https://yuz.uz/news/soglom-turmush-tarzini-taminlash-va-barchayoshdagi-kishilarning-farovonligiga-komaklashish-masalasi-muhokama-qilindi>

[7] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. 6-жилд. Тошкент: “Ozbekiston” нашриёти, 2023. – 275 б.

[8] Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Ўзбекистон — 2030» Стратегияси тўғрисида»ги 11 сентябр 2023 йилдаги №ПФ-158 Фармони// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон

[9] В Узбекистане создается национальный инвестфонд//Newshub, 28 августа 2024 г.// <https://newshub.uz/archives/34515>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий инвестиция Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги №ПҚ-303-сонли 2024 йил 27 августдаги Қарори// ҚММВ: 07/24/303/0657-сон 28.08.2024-у. Жамғарма фонди америкаликлар томонидан бошқарилиши ўзига хос бошқарувни Америка капиталига ишониб берганлигимиздан далолат бўлиб турибди. Ишқилиб, охири баҳайр бўлсин!

[8] Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Ўзбекистон — 2030» Стратегияси тўғрисида»ги 11 сентябр 2023 йилдаги №ПФ-158 Фармони// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон